

2018

EXTREMISM AND ITS MODERN APPEARANCES

Muhammadjon Abduhamidov

International Islamic Academy of Uzbekistan, akademik1981@list.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Abduhamidov, Muhammadjon (2018) "EXTREMISM AND ITS MODERN APPEARANCES," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ЭКСТРЕМИЗМ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ

ЭКСТРЕМИЗМ И ЕГО СОВРЕМЕННЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ

EXTREMISM AND ITS MODERN APPEARANCES

Калит сўзлар: экстремизм, терроризм, фундаментализм, экстремизм, сиёсий экстремизм, иқтисодий экстремизм, маънавий-мафкуравий экстремизм, халқаро терроризм.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, фундаментализм, религиозный экстремизм, политический экстремизм, экономический экстремизм, духовно-идеологический экстремизм, международный терроризм.

Key words: extremism, fundamentalism, terrorism, religious extremism, political extremism, economical extremism, spiritual-ideological extremism, international terrorism.

Маълумки, XX аср экстремизм ва терроризм каби иллатлар билан тарихда из қолдирди. Терроризмни бирор миллат ёки динга нисбат бериш мутлақо нотўғри. Зеро, терроризмни ҳеч қайси дин, ҳеч қайси миллат оқламайди. У кимнинг номидан қилинишидан қатъи назар, уни амалга оширувчи шахс жавобгар ҳисобланиб, тегишли жазога маҳкум этилиши лозим.

Сўнги йилларда ислом динини ўзларига ниқоб қилиб олган бир гуруҳ манфур кимса ва тоифалар пайдо бўлди. Улар бузгунчилик, ноҳақ қон тўкиш каби салбий ҳолатларни авж олдириб, мусулмонлар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқариш ҳамда нифоқ солишга ҳаракат қилмоқдалар. Ўзларини “Ислом дини ва мусулмонларни ҳимоя қилувчи ҳалоскор фирқа” деб эълон қилган ҳолда бегуноҳ мусулмонларнинг ўлимига сабабчи бўлмоқдалар. Энг ёмони, улар ўз хатти-ҳаракатларини асослаш учун Қуръон ва ҳадисларни ўзларининг мақсадлари йўлида тафсир ва таъвил қилиб мусулмонлар ўрта-сида нифоқ чиқаришга уринмоқдалар.

Ислом динида эса инсоф, адолат ва инсонпарварлик қоидаларига ҳатто ёв билан жанг қилиш асносида ҳам риоя қилишга буюрилади. Ҳаддан ошиш, тажовузкорлик ва зўравонлик қаттиқ қораланади.

Дунёда тинчликни сақлаш учун барча имконият сафарбар қилиниши керак. Биз Аллоҳ таоло

тарафидан ер юзини обод қилишга буюрилганмиз. Бизнинг динимиз одамзот у ёқда турсин, оддий жониворга ҳам озор бермасликка буюради, зеро, у – тинчлик динидир.

Ислом нуқтаи назаридан терроризм сўзини таҳлил қиладиган бўлсак, у Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда “фасод”, “эътидо”, “қатлун-нафс” каби лафзлар билан таъбир этилган. Яъни ер юзида бузгунчилик қилиш, қўпурувчилик, ноҳақ қон тўкиш, тажовузкорлик мазмунида келган бўлиб, уни амалга оширувчилар қаттиқ қораланган.

Экстремистларнинг “ақида”си бўйича исломга даъват этишнинг йўли фақат ифвогарлик, жангу жадал, уруш, ҳарбий тўқнашувдан иборат.

Давлатни босиб олиш ёки конституциявий тузумни ағдариб ташлашга қаратилган жинойий ҳаракат содир этиш учун ўз кучларини бирлаштирган шахсларни ислом дини нуқтаи назарида боғийлар деб аташ мумкин. Яъни, мусулмонлар ҳақди равишда ҳукмдорлик қилаётган подшоҳ қўл остида тинч ва осойишта яшаб турганларида ўзлари ичидан унга қарши бош кўтарган кишилар тоифаси боғийлардир. Боғий тоифанинг хуружи ўзларини ҳақ, подшоҳни ноҳақ деб билиш, ҳокимият таллашиш мақсадида бўлса, бундай тўдага қарши подшоҳга ёрдам бериш ҳар бир имкониятли кишининг бурчидир.

Маълумки, террорчи ва экстремистик гуруҳларнинг асосий ғояси “жиҳод” йўли билан ўз фаолиятини давом эттиришдир. Бунда доимий равишда ўз ғоялари таъсирига тортиш ҳамда ўзларига мос шароит яратиш мақсад қилинган. Уларнинг “ақида”си бўйича гўёки, “жиҳод” исломни ёйиш воситасидир.

Ислом динини қурол воситасида ёйиш даври ўтган. Эндиликда бу ғояни татбиқ этиш – жангариларни тайёрлаш, ҳарбий машқларни давом эттириш ислом динини дунёга манфур қилиб кўрсатиш демакдир. Бунинг ўрнига тинчлик йўли билан ислом динининг қанчалик инсонпарвар, меҳр-шафқатга чақирадиган, тараққийпарвар дин эканини амалда намунали тарзда кўрсатиш йўлини танлаш лозим.

Айрим ақидапараст гуруҳлар аҳолисининг кўп қисми мусулмон бўлган мамлакатларда гарчи исломнинг бешта аркони амалда бажариб келинаётган бўлсада, шу каби юртларни “дорул ҳарб” яъни, “уруш диёри” деб, уларга қарши жиҳод эълон қилиш лозимлигини даъво қилмоқдалар, ваҳоланки, бу даъволари шаръан асоссиздир.

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа сўзларига кўра, дорул ҳарб бўлиши учун у мамлакатда ширк ҳукмлари жорий қилинган, дорул ҳарб саналувчи мамлакатга бевосита қўшни бўлиб, ўртада бошқа мусулмонлар яшайдиган шаҳар бўлмаган, бирор мусулмон ёки зиммий жонига омонлик берилмаган бўлиши

Мақолада бутун дунёда глобал муаммога айланган экстремизм ҳамда унинг турли ниқоб ва кўринишларда намоён бўлаётгани илмий асосда таҳлил этилган.

В статье с научной точки зрения анализируется одна из глобальных проблем современного мира – экстремизм, его проявления и разновидности.

This article scientifically analyzes one of the global problems of the modern world – extremism, its manifestations and varieties.

керак. Мана шу шартлар топилмаса дорул ислом дорул ҳарбга айланмайди. Яна Абу Ҳанифа ислом аҳкомидан озгина миқдорда қолган бўлса ҳам мамлакат дорул ислом ҳукмида қолаверишини айтди. Шайхул ислом Абу Бакр ҳам “Сиярул асл” китобининг шарҳида шундай дейди: “Модомики, мамлакатда ислом аҳли амал қилаётган ислом аҳкомидан озгинаси қолган бўлса ҳам дорул ҳарбга айланмайди”. Шайхул ислом Исбийжобий ўзининг “Мабсут” номли асарида: “Дорул ислом аталиб келинаётган мамлакатда, гарчи битта ислом ҳукми жорий бўлиб турган бўлса ҳам, у дорул ислом ҳукмида қолаверади” [1:1], дейди.

Экстремистик қора кучлар илоҳий манбаларни нотўғри талқин қилиш билан ҳам Аллоҳга гуноҳкор бўлмоқдалар, ҳам дунёдаги кўпчилик мусулмонларни чалғитиш ва дунё жамоатчилигига ташвиш ортириш ҳамда ислом динини ёвузликка чақирувчи дин тимсолида танитиш каби зарарли фаолиятлари билан ўта жинояткор бандалар қаторидан жой олмақдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ислом дини ҳар қандай оғир шароитда ҳам террорчилик ҳаракатларини амалга оширишга рухсат бермайди. Унинг таълимотига кўра, ноҳақ қон тўкиш кимнинг қони бўлишидан қатъи назар, энг оғир гуноҳ ҳисобланиб, унинг жазоси ҳам жуда оғир бўлиши барчамизга яхши маълум.

Мазкур ҳолатларни эътиборга олиб, шуни айтиш жоизки, ҳозирги даврда ислом дунёсининг барча олим ва уламолари ҳамкорликда ислом дини таълимотини соф ҳолда асраб авайлаши, унинг аҳкомларини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилаётган ёвуз кучларга қарши маърифий услублар билан курашишни янада фаоллаштириши долзарб вазифалардан биридир.

Диннинг бирор бир йўналишини бузиб талқин қилган ҳолда сиёсий мақсад кўювчи ҳаракат экстремизмга олиб келади. Экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимиятни қўлга киритишдир.

Экстремизм мазмунига кўра диний ва дунёвий бўлиши мумкин ёки намоён бўлишига кўра ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистларнинг қарашлари жуда чуқур илдизларга эга бўлиб, улар ҳеч қачон чегара билмаган ёки дин, миллат, бирон бир мамлакат ҳудудини тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий кўринишлари мавжуд бўлса, экстремизм барча динлар доирасида ривожланган.

Хусусан, **дин ниқоби остидаги экстремизм** айнан бир динга хос бўлмасдан, барча динларга хосдир. Масалан, экстремизм ва фундаментализм биринчи жаҳон уруши арафасида насронийлик динидаги протестантлик оқимида нисбатан ишлатилган бўлса, ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб энди бу атамалар ислом динига нисбатан қўлланилмоқда. Агар экстремизмнинг тарихига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, у эраמידан олдинги VI–V асрларда Хитойда пайдо бўлган, хитой миллатининг миллий дини бўлмиш конфуцийлик таълимотида кўринади. Бунга бугунги кунда эфирга узатилаётган хитой телесериаллари орқали ҳам гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Терроризм иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, миллий, гуруҳий ва индивидуал шаклларда намоён бўлмоқда. Таъқиб қилиш, зўравонлик, кўпуровчилик ва қотиллик терроризмнинг ҳар қандай кўриниши учун умумий хусусият бўлиб, у гуманизм, демократия, адолат тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай байроқ остида амалга оширилмасин, моҳияти инсониятга, жамият тараққиётига, эзгуликка қарши жиноятдир.

Террорнинг иқтисодий манфаатларини кўзловчи **иқтисодий экстремизм** моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган кўринишларда, рақиб шахсларни жисмонан йўқ қилиш, ўғирлаб кетиш, гаровга олиш, тажовуз билан кўрқитиб ўз ҳукмини ўтказиш ёки рақиблар бойликларини ўзлаштиришда фойдаланади. Бундан ташқари бугунги кунда иқтисодий экстремизмга ёшлар орасида “урф”га айланиб бораётган ижтимоий тармоқлар, зўравонликни, тажовузкорликни тарғиб қилувчи онлайн ўйинлар ҳам мисол бўлади.

Сиёсий мақсадларни кўзлаган **сиёсий экстремизм** қадимдан мавжуд. Масалан, ўрта асрларда сиёсий террорчилик диний мазмундаги террорчилик билан қўшилиб кетган эди. Чунки ўша даврларда ҳукмдорлар диний ҳамда дунёвий ҳокимиятни уйғунликда бошқарганлар. Ислолда Муҳаммад пайгамбар вафотларидан кейинги тўртта халифадан фақатгина Абу Бакр Сиддиқ ўз ажали билан вафот этган. Қолган халифалар Умар ибн Ҳаттоб, Усмон ибн Афон ва Али ибн Абу Толиблар сиёсий му-

холифлари томонидан ўлдирилганлигига тарих шоҳид [2:127].

Маънавий ниқоб остига яширинган **маънавий-мафкуравий экстремизм** бирор бир миллат ёки мамлакатда урфга айланмаган одатларни олиб киришга уринишни англатади. Бунга мисол тариқасида бугунги халқимиз орасига “оммавий маданият” тарзида кириб келаётган ғарб маданиятини мисол тариқасида келтириб ўтиш лозим.

Халқаро террорчилик ҳаракатларига халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ёки субъектларга қарши мустақил давлатлар чегараларини бузиш, икки ёки undan ortiq кишилар, шунингдек, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан қўпурувчилик ишларини содир этиш, экстремистик гуруҳ аъзоларини бошқа давлатлар ҳудудидида ташкил этилган махсус лагерларда тайёрлаш, экстремистик гуруҳларни тайёрлашда ноқонуний қурола-яроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланиш [3:73 – 74] кабилар киради.

Бугунги кунда ким бўлишимиз ва қандай мавқега эга бўлишимиз, жамиятда у ёки бу соҳани эгаллашимиздан қатъи назар, ҳар биримизнинг вазиғамиз экстремизм ва терроризмнинг қабиҳ ва ғаразли жинояткорона мақсад ва моҳиятини ёшларимиз ва бутун халқимиз орасида фoш қилиш асосида огоҳликка чақиритишдан иборатдир.

АҚШ, Европа, Яқин Шарқ, Ироқ, Россия, Испания, Туркия, Сурия, Ўзбекистон ва бошқа дунёнинг кўплаб давлатларида содир этилган даҳшатли террористик хуружлар шунинг кўрсатадики, терроризм қандай байроқ кўтариб чиқмасин (динийми, сиёсийми, иқтисодийми, маънавий-мафкуравийми), қандай ниқоблар остига яширинмасин, унинг реакцион, жангари, жинояткорона моҳиятини тушуниб олиб, ёвуз ниятини очиб ташлаш ҳар бир онгли, ватанпарвар инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида илдамлаб бораётган мустақил Ўзбекистон тарихан жуда қисқа даврда улкан ютуқларга эришди ва эришмоқда. Миллий маънавиятимиз ва қадриятларимиз тикланди, миллий ўзлигимизга қайтдик. Тинчлик ва барқарорлик кундалик ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди.

Айни пайтда осуда ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган ёвуз кучларнинг мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, тинчликни асраш, уни асраб-авайлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мавжуд таҳдидларнинг моҳиятини англаш осойишталикни таъминлашнинг бирламчи шартини ҳисобланади. Юртимизга нисбатан бундай таҳдидлар, аввало, ақидапарастлик, экстремизм ва тер-

рорчилик каби ҳодисалар кўринишида намоён бўлмоқда.

Экстремизм, терроризм ва фундаментализмнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтақа, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса экстремизм, терроризм ва фундаментализмнинг моҳиятини тўғри ва чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади. Бу ўринда қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим:

- оилада миллий урф-одатларимиз, аждодларимиз маънавий мероси бўйича тарбиявий ишларни кучайтириш;

- ёшларни Ватанга садоқат ва муҳаббат, урф-одат ва диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътибор қаратиш;

- таълим муассасаларида ҳамкорликдаги фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

- экстремизм, терроризм ва фундаментализмга қарши курашда Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланган дин арбоблари имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Юқоридагилардан аён бўлдики, экстремизм узоқ тарихга эга. Барча динлар куч ва қилич зарби билан тарқатилган ва тарихнинг катта бурилиш давларида у ёки бу империянинг, халифаликнинг ғоявий асоси ва қуроли сифатида вужудга келган. Улар ҳукмрон доираларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб келган, уларнинг ҳоқимиятини муқаддаслаштириб ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳамда ёқлаб, асослаб берган. Икки тизим ўртасидаги курашда эса, албатта, ҳукмрон синфлар томонидан туриб ҳаракат қилганлар. Жаҳон майдонларини мафкуравий бўлиб олиш учун бўлаётган ғоявий курашда ҳам сиёсий мақсадлар учун у ёки бу давлатнинг манфаатларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатмоқдалар. Бу борада асрлар мобайнида тўпланган тажриба, йўл, воситалардан моҳирлик билан фойдаланмоқдалар, олдига қўйган вазифа ва мақсадларга эришмоқдалар.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳозирги таҳдиқали замонда глобаллашув туфайли ер юзидаги давлатларнинг ривожланиш даражаси бир хил эмас. Бундай вазиятда тараққий этган давлатлар ўз таъсирини ўтказиш ёки сақлаб қолиш учун экстремизмдан устамонлик билан фойдаланишга киришганлар. Бу борада барча йўллар ва воситаларни ишга солишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шу сабабли тарбиячилар, ўқитувчи, педагоглар, маҳалла ходимлари ва фаоллари, мактаб, лицей, коллеж ва барча ўқув муассасалари кундалик олиб бораётган тарбиявий ишларида экстремизм

ва терроризмнинг ҳақиқий қиёфасини ўсмир ва ёшларга тизимли равишда очиб беришлари лозим.

Икки қутбли тизим барҳам топган бўлса-да, лекин ғоявий кураш давом этмоқда. Бузғунчи, исёнкор, реакцион ғоялар, мафкуралар у ёки бу минтақада ўрнашиб олишга ва аҳолининг муайян қисми онгини эгаллаб олишга астойдил киришганлар. Шундай вазиятда ёшларимизни уларга эм қилиб бериб қўймасдан, аксинча, уларда мустаҳкам ғоявий иммунитетни шакллантириш, Ватан ва ҳалқпарварлик туйғуларини янада ривожлантириш энг долзарб муаммолардандир, қолаверса, ҳалқ ва Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшаний. Китоб ал-фусул. ФАШИ, қўлёзма №3245, варақ 1⁶.
2. Муҳаммад Хузарий. Нурул яқин. –Т.: Шарқ, 2008; Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. –Т.: Ҳуқуқий меросимиз хазинасидан, 1992.
3. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017.

Muhammadjon ABDUHAMIDOV,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом фанлари кафедраси таянч докторанти

